



Сўзда савоб бордир, сўзда гунох бор,
Ботил сўз —хатокор, Хак сўз—халоскор.
Манзурлик истасанг замонлар оша
Сўзга хак тафаккур тафтиши даркор.

Маълумки, жамиятларнинг маънавий янгиланиши жараёнида адабиётнинг ахамияти катта. Шу маънода хозирги замон ўзбек адабиётининг энг ёчимталаб муаммоларига алоҳида эътибор каратмок максадга мувофикдир.

Миллий сўз санъати кандай колип, андоза ва коидалардан кутулмоги керак эди? Истиклол йилларида у бундай покланиш муддаосига канчалик даражада эришди? Айни йўналишда унинг яна кандай долзарб вазифалари мавжуд? Хеч кимга сир эмаски, адабиётимиз собик тузум шароитида бошка ватандош миллий адабиётлар сингари маълум ютуклар каторида кўп ютқизикларни хам ўз бошидан кечирди. Айникса, 30-йиллардан бошлаб расмий, сиёсий тус олган «социалистик реализм» ижодий методи адабиёт фаолиятини катъий белгиланган коидаларга бўйсундириб кўйди. Сиртдан караганда, бу йўл-йўрик ижодкориинг эркини чеклаб ва бўгиб кўймайдигандек кўринади. Аммо унинг коидалари моҳияти умуминсоний кадриятларга, ижоднинг табиий конуниятларига бир кадар зид эди. Номи англатиб турганидек, социалистик реализм хаётни инъикос этиш санъатининг «социалистик» кўринишинигина тан олди. Турмушни хамма вакт инкилобий тараккиётда, социалистик идеалларнинг голиблиги негизида кўрсатишни вазифа килиб кўйди. Бошкacha ижтимоий-сиёсий тузумдаги мамлакатлар йўлини, жумладан, улар маданияти ва санъати намуналарини кўпинча холис эътироф этмади.

Окибатда катор беш йилликлар мобайнида адабиёт зугумкор мафкуранинг дастагига айланиб колди. Узок вакт ўзининг асл илдизларидан, усул-услубларидан йироклашиб, шўро давлатининг адабиёти сифатида ривожланди. У ўз кадимидан, хусусан, ўзининг маданий-маърифий тарихидаги анъаналардан анча узилиб ижод килди.

Мустабид тузумда хар кандай воеа-ходисага инкилобий манфаат, синфиийлик, партиявийлик нуктаи назаридан каралар эди. Бу эса факат мавжуд жамиятнинг тутган

йўлинингина тан олишдек омонат кўникмани пайдо килди. Адабиёт тузумни мадх этишни асосий гоявий-бадиий максад даражасига кўтарди. Мафкуранинг чизган чизигидан сира чика олмади, тасвирида дахриёна карашлар устуворлик килди. Адабиётда турмушни, асосан, ок ва кора бўёкларга ажратиб ифодалаш, ўтмиш билан социалистик вокеликни бир-бирига карама-карши кўйиш мотивлари, яъни бирёкламалик жуда узок давом этди. Бундай иллатлар хар ижода хар хил маромда намоён бўлса-да, бир катор умумий салбий окибатларга олиб келди. Назмда, насрда, драматургияда маҳсус дохийномалар, сохта асарлар яратиш одати авж олди. Ёмон томони шундаки, маълум даражада олис келажакни кўришга хам масъул бўлган сўз санъати аксарият холларда дунёни тор ва маҳдуд дунёкараш билан кузатди. Ўткинчи гоявий талабларни бирламчи максад билганликлари сабабли кўп адибларимиз борликни фалсафий идрок этишдан, хаётни рўй-рост акс эттиришдан, бадииятни мукаммалаштиришдан узокда бўлдилар.

Ўта ижтимоий, мажбурий ва юкумли экани боис мазкур иллатлар ўша даврнинг хеч кайси авлод каламкашини бетараф колдиргани йўқ. Асримиз кариyb 90-йилларни коралагунга кадар катъий колип ва чекловчи коидаларга деярли путур етмади. Мустакиллик шарофати туфайли талай хато тасаввурларга, бадиий ижодиёт камчиликларига бархам берилиди. Баъзи адиблар майший ва ижодий фаолиятда адашиб келганини, кандайдир ўткинчи мавзуларга бехуда берилганини, хак йўлни илгай олмаганини тушуниб етдилар.

Албатта, эндиликда тарихимизнинг бир кисмига айланган адабий кечмиш бирёклама ва пала-партиш танкидга эмас, балки фалсафий мухокама воситасида хосил килинажак хукм-хуносаларга хакли хамда муносибдир. Шундай муносабатгина ўтмиш тажрибасидан хозирги маънавият учун фойдали сабоклар чикармогимизга, истиклол даври адабиётининг афзал имконларини, мухим вазифаларини аниклишимизга ёрдам беради. Ўзбек адабиёти босиб ўтган йўлнинг яхши натижаларини хам унтиб кўймаслигимиз, шаклланган самарали анъаналарни давом этдирмогимиз зарур. Колаверса, миллий сўз санъатида собик мухитнинг тазийклари

чикиша олмай яшаган, ижодга юкланиш зўраки шартларга томон огиб кетмаган ёзувчи ва шоирлар йўқ эмас. Кодирий, Авлоний, Хамза, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий сингари алломалар асарлари кўп жихатдан ибратли. Улар миллат мустакиллигини, туркий халкнинг жисплигини, авлоднинг илму маърифат ва кучли салохият билан жахоний микёсларга кўтирилишини орзу килганлар. Тор миллий кобикда, жохилият ичida колиб кетиш хавфидан огохлантирувчи асарлар ёзганлар.

«Бизнинг бахтсизлигимиз нодонлигимизда, халос,—дейди Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи каҳрамони.—Миллат уйгонсин, кўзини очсин, билим олсин, маданий миллатлар каторига кирсин, сўнгра у хам ўз давлати, ўз бахти, ўз саодатини куради... Миллат фарзандларини Германия, Франция, Англия мамлакатларига, хатто дунёнинг нариги чеккасидаги Америкага юбориб ўқитиш керак...»

Бугунги кунда собик тузум адабиётига кай йўсин муносабатларда бўлмок масаласи гоятда мухимдир. Эхтиросларга каттик берилиш натижасида баъзан хадаан зиёд кескин танкид ва инкорларнинг содир бўлганлиги сир эмас. Бизнингча, бу борада холис ва самимий, фалсафий-эстетик илмий кузатишлар жоиз. Хар кандай индивидуал ижод ва

унинг намуналари алохига адабий, танкидий тахлил хамда талкинни такозо этиши маълум. Окилона, холисона назарий-методологик карашларгина адабиёт тарихини адолатли баҳоловчи умумлашма хукм-хулосаларга олиб келади. Шу йўл билан якин ўтмишимизда бунёд бўлган бадиий асарларни хозирги авлодларга бутун хаккониятига кўра такдим этган бўламиз. Улардан баҳрамандлик мезонларини бехато белгилашга эриша оламиз.

Хозирги давр адабиёт тақдирида кандай ўзгариш ва янгиликлар учун имконият яратди? Маънавий покланиш жараёнида миллий сўз санъатининг мавкеи нечогли? Замонавий адабиёт масалаларини шу йўналишда ўрганмокка илмий-назарий асослар мавжуд. Негаки, даврнинг чинакам ахамиятини, кадр-кимматини хис этмай туриб, истикболга тўгри элтувчи вазифаларни аник фахмлаб бўлмайди, Янги даврнинг тарихий роли адабиёт устидан мафкура хукмонлигига чек кўйишдагина эмас. У кадимий эзгу адабий кадриятларни тиклаш учун, ноҳак ман этилган ижодлар ва асарларни халкка етказмок учун хам шароитни вужудга келтирди.

Барча соҳалар каби миллий адабиётда эркин янгиланиш имкониятлари вужудга келди. Адабий ислохга интилиш илгарилари хам маълум даражада рўй берган бўлса-да, кейинги йилларда бу жараён ўзгача мазмун ва ахамият касб этди. Ислох адабий ижод учун диалектик заруриятдир, бадиий тафаккур тараккиётининг муҳим шартидир. Чин истеъдод эгалари хамиша эркли ижодий мухитни, миллий санъатнинг умуминсоний равнакини орзулашган. Хозирги адабиётимиз ислохоти тозариш, тузалиш, ўнгланиш маъноларинигина эмас, хакгўйлашиш ва юксалиш умидини хам ифодалайди.

Янгича поэтик изланишларнинг аломатлари, аввало, ижодкорларнинг хурриятни шодон каршилашида, кўтаринки кайфият зохир этишларида кўринди. Шоирлар руҳиятларнинг покланув фаслига, озод тараккий даврига кирганидан мамнун дарак берди. Бири: «Ростин айтсан, кўксимдаги дилим янги» деса, бошкаси: «Хабар бергин, кўнглим, фалакка—Мен янгича яшай бошладим» дея шодланди. Муайян адабий орзулар рўёбини таъмин этган замондан миннатдорлик туйгуси йирик эпик асарларда хам кўзга ташланди. Тохир Малик «Шайтанат» киссасининг муқаддимасида шундай ёзади:

«Хаёт турфа ранг. Кўзни яшнатиб, дилга кувват бергувчи чиройли ранглар хам, кўнгилни вайрон килгувчи кора ранг хам бор. Авваллари кора рангни ишлатишга бир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди. Коранинг ёнида албатта ок, пушти, зангори... ранглар бўлиши шарт эди. Замона берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг кора кўчаларига киришга жазм этдим...»

Миллий истиклол мавзусини ўзбек адабиёти илгари кўп ёритган. Аср бошларида яшаган жадидчилар ижодида бу тушунча улугвор бир максад ва курашchan бир гоя эканлиги билан характерланади. Хар даврнинг адабиёт зиммасига кандайдир тўгри талаблар юклашини худди шу мавзу тадрижида хам кўриш мумкин. Истиклолнинг бадиий талкини хозирги ўзбек фасохатида 20-йиллардагидек кийинчилик билан ёки зўрма-зўраки пайдо бўлгани йўқ. Бу миллат ижод ахлининг ихтиёрий хайриҳоҳлиги, рагбат-мухаббатлари натижаси бўлди. Давр такозоларини адашмай, айнан мўлжалга олмок хар доим истеъдод сохибининг виждан амрига, акл-заковатига боғликдир.

Ботил эътиқод хукмронлик килган иттифок мухитида шеъриятдаги ожизона усулга—маддохликка доимий сиёсий мажбуриятлар сабаб бўлган эди. Истиклол тараннумига оид бугунги аксар асарларда курук мактовлардан асранишга харакат англаниб туради. Энди кўп ижодкорлар ялтирок кофия ва сохта гап билан нафосат шайдоларини алдаб бўлмаслигини билишади. «Энди майли, эй, халким, Кулок осма сўзимга, Аммо Истиклол хакки Боглик факат ўзингга!» деб ёзади шоир Азим Суюн. Ўнлаб шеърларда хуррият неъматини эъзозлаш, унга камарбаста бўлиш, миллатлараро хамдўстлик, жаҳон микёсига чикиш гоялари ёкимли куйланади.

Ниятларнинг камоли ва ижобати, шубҳасиз, илм-маърифатга, иймон-диёнатга, хуллас, маънавий юксалишга boglik. Эътиқоди баркарор, халклари ахил Ватандан файз-баракот аримайди. Бундай шароитда инсон омили ўзини бунёдкор хис килади, яратувчилик иштиёки билан яшайди. Истиклол таровати миллий шеъриятни шу каби янгича нуктаи назарлар билан бойитди. Шунингдек, Ватан тавсифига багишланган асарларда туркий халкларнинг кон-кардошлиги, хамкор-хамкадамлиги етакчи гоялардан бирига айланди.

Ўзбек фасохатида давр шарофати туфайли рўёбга чиккан янгича мавзулар, ўзига хос ифодалар, гоявий-бадиий усуллар кўлами кенг. Ўзгаришни турли адабий жанрлар ичida кузатиш ва диккатга сазовор мисолларга дуч келиш мумкин. Кандай ният ва камров билан ўрганилганда хам, адабиётимизнинг талай хато коидалардан тузалганлигига, жозибадор асарлар яратишга интилаётганига ишонч пайдо бўлади. Бирок булар авлоднинг маънавий камолотига масъул бу соҳадан тўла каноатланиш киссини хосил килмайди. Каршимизда талай вазифалар, муаммолар кўндаланг турганлиги аён бўлади.

Бугунги ўзбек адабиёти, адабий-назарий таълимот, таргибот жабхалари кандай мухим масалалар ечимиға эътибор каратмоги лозим? Шу нуктаи назардан масаланинг айрим жихатларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир:

- Миллий вокелик «муҳри»сиз адабиётдаги хеч бир доимий мавзу ўзининг бадиий ифодасига эга бўла олмайди. Муваффакиятнинг дастлабки омили жамиятнинг илгор тафаккурига адабиётнинг канчалик уйгунлигидадир. Равшан миллий хакикатларни, маънавиятимизнинг хилма-хил муаммо ва манзараларини умуминсоний пафосларда акс эттирувчи бадиий намуналар кам. Катор ёзувчилар хамон майда ва нокерак, саёз ва такорий ифодалар доирасида ўралашиб колаётирлар.

Айникса, хозирги пайтда кўп асарлар шошма-шошарлик билан эълон килинмоқда. Асарларни экранлаштириш, намойиш килишга интилиш жараёни хам шу тарика кечаётир. Баъзи ижодларда хорижий адабиётларга таклид кучайган. Бу каби камчиликларни хатто оддий китобхонлар осонгина фахмлашмоқда. Айни холатлар бир тарафдан мухокамаларнинг йўклигидандир. Дид-тасаввурни хиралаштирувчи, тор-сикик мушоҳадага кўникутирувчи ва кишига маънавий янгилик бермайдиган асарлар сўз санъатини юзаки тушунишга ўргатиб кўяди. Ёзувчилар уюшмаси кизгин баҳслар ва мухокамалар ташкил этиши, долзарб масалаларга доир адабий-танкидий чикишларни ривожлантириши зарур.

— Адабиётшунослик ва адабий танкидчиликнинг замонавий адабиёт борасидаги фаолияти жуда суст. Уларда тор фикрлаш, бирёклама баҳолаш, эски ёки номухим масалалар атрофида мунозара кўзгаш холатлари кўп учрайди. Адабиётнинг гоявийлик даражасини тамоман инкор этиш, унинг санъат эканлигинигина тан олиш ёхуд давр талабларига менсимай карашлик сингари кайфиятлар олдинги асрларда хам бўлган. Лекин хеч качон ўзини окламаган. Бизнингча, адабиёт илми соҳанинг юксалишига якиндан кўмак берадиган чукур назарий, методологик муаммоларга жиддий эътибор каратиши керак. Дарҳаккат, миллий сўз санъатининг янгиланиш жараёни хам, авлодларнинг маънавий баркамоллиги учун харакат жараёни хам хилма-хил теран тадқикотлар оқимини такозо этади.

— Бадиий адабиёт нечоглик санъат саналмасин, инсонга канчалик завк-шавк улашмасин, у хамиша ахлокий тарбия воситаси хамдир. Чўлпоннинг «Адабиёт надир?» маколасидаги таърифни эслайлик: «Адабиёт чин маъноси илиа ўлган, сўнган карапган, ўчган, мажрух ярадор кўнгилга рух бермак учун, факат вужудимизга эмас, конларимизга кадар сингишган кора балчикларни тозалайдурган, ўткир юрак кирларини ювадургон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруг ва равшан киладурган, чанг ва тупроклар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдургон булок суви бўлганликдан бизга гоят керакдур».

Таассуфки, бу ёркин хакикатни барча ижодкорлар хам етарли идрок этавермайди. Натижада хилма-хил саёз, ножўя тасвиirlар пайдо бўлади. Мумтоз шеърият ишк-мухабbat бобида ибратли анъаналарга эга бўлган. Масалан, унда ишк туйгусининг маъно кўлами кенг. Бу маънолар кўпинча уйгун бир тарзда ифодаланган.

Собик тузум адабиётида юзаки, нотавон, беибо ошиклик шеърияти хам вужудга келди. Насрий асарларга хаёсиз эпизодлар киритиш одат тусини олди. Бундай тасвиirlарга берилишнинг сабаблари кўп. Хозирги ижодларда масалага хар хил карашлар кўзга ташланади. Бир туркум иктидори баланд шоирлар иймонга хос хисларни, илохий севгини, хаё билан йўгрилган дунёвий муҳабbatни кўпчиликка манзур тарзда акс эттираётir. Сўз санъатининг мантикий сирларидан бехабар бир тоифа шоирлар сийка ёзиш билан ёки айтилган фикрларни ўзгача кўринишларда ифодалаш билан оворадирлар. Шеърият деган номга даъвогар ўнлаб бошка кофиябозлар эса бепарда, ибосиз кўшиклар тўкишмокда. Айникса, шу хол ёш авлоднинг маънавий савиясига жиддий хавф солмокда. Бу борада муайян тартиб-интизом, танкид, муҳокама, назорат жоиздир. Яхшиланишнинг окилона тадбирларини, усулларини топиш ва уларга умумий равишда амал килиш миллий адабиёт ривожига факат фойда келтиради. Гап инсонни хак йўлдан чалгитувчи талкинларнинг миллий дунёкарашимизга номувофиклигидагина эмас. Умуминсоний идрок нуктаи назаридан караганда хам, тарбияни бузувчи, ёмон окибатларга элтувчи хар кандай тасвир дарров сезилмайдиган хатардир. Маънавий тарбия жараёни бундан маълум огохликни такозо этади.

— Болалар адабиёти замон талабларидан анча оркада. Ўқитувчилар ва ота-оналар ёш ўкувчиларга тавсия этмок учун китоб тополмай колишади. Олдинги кўпчилик роман, кисса, хикоялар эскирди. Янгилари ахён-ахёнда чикади. Ёш авлоднинг бугунги маънавий эҳтиёжига жавоб бера оладиган, турли ёшдаги фарзандларимизга мўлжалланган,

мавзулари ранг-баранг китоблар яратиш миллий адабиётнинг энг мухим вазифаларидан биридир. Худойберди Тўхтабоев ва яна бир неча носирларнинг аввал ёзилган нисбатан яхши китобларини маълум тузатишлар билан кайта нашр этмок мумкин. Болалар шеърияти, насли, драматургиясини тараккий эттириш максадида муайян тадбирлар ишлаб чикиш фойдадан холи эмас. Бу йўналишдаги адабий намуналарнинг чоп этилишини кенг йўлга кўйиш, нашрларнинг сифатига алоҳида эътибор каратиш зарур.

—Мактаб хамда Олий ўкув юртларида адабиёт ўқитилишини чубдан яхшилаш жоиз. Мактаб дарсликларининг баъзилари шошилинч ёзилган ва нашр сифати хам яхши эмас. Айрим синфларда адабиёт дарслари халигача мажмуаларнинг ўзига таянилган холда ўқитилмокда. Дарсликлар кетма-кетлигига осондан мураккабга томон бориш тамоилига тўлиқ амал килинган деб бўлмайди. Хозирги кунда мактаб адабиёт дарсликларини янгилаш бўйича маълум тажрибалар хосил бўлди. Фикр-мулоҳазалар, таклиф-хулосалар кўпайди. Мутахассис олимлар ва тажрибали ўқитувчиларнинг маслаҳатларини инобатга олиб, намунали дарсликлар, кўлланмалар туркумини яратмок керак. Олий ўкув юртларининг бевосита адабиёт предметлари ўрганиладиган жабхаларида мазкур муаммо янада жиддий. Филология факультетларида ўнга якин адабиёт фанлари ўқитилади. Аксарияти бўйича янги дарслик мутлако йўк. Ўзбек адабиёти тарихи, хозирги замон адабиёти, адабиётшуносликка кириш, адабиёт назарияси сингари фанларни ўқитишда бундан узок йиллар бурун ёзилган дарсликлардан фойдаланилмокда. Мазкур ахвол тегишли вазирликлар, илмий муассасалар, Ёзувчилар уюшмаси, етакчи Олий ўкув юртлари хамкорлигига ўрганилиши ва тузатилмоги лозимдир.

—Катор ривожланган мамлакатларнинг барча ўкув юртларида ўз Ватанларининг тили, тарихи, адабиёти бирдек умумий ўрганилади. Бизда нофилологик факультетлар ва нопедагогик олий ўкув юртларида адабиёт деярли ўқитилмайди. Бу эса турли соҳалардаги мутахассисларнинг гоявий-эстетик савияси ва нуткий маданияти гализлигига сабабкор холатлардандир. Келажакда адабиётни барча ўкув юртларида кисман ўрганишни режалаштириш максадга мувофиқдир.

—Хаётимизнинг турли жабхаларида жаҳон микёсларига ва мезонларига мўлжалланиб фаолият килишнинг натижалари юзага чикмокда. Адабий жараёнда, хусусан, адабиёт илми ва адабий тарбиботда хам улкан вазифалар кўп. Жаҳон адабиёти, туркий халклар адабиёти каби туркум китоблар, дарслик ва кўлланмалар яратмок эҳтиёжи бор. Ўзга халкларнинг ибратли замонавий адабиёт янгиликларини, ўзбек бадииятининг яхши намуналарини бошка тилларга тартибли таржима килиш ишларини ривожлантириш керак. Адабий алоказалар бўйича турли халкаро маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, шунга мўлжалланган мутахассислар етиштириб чиқариш даврнинг долзарб талабларидандир. Шундай муаммоларни хал этиш янги авлодларимизнинг маънавий камолотига ёрдам беради.

Шаркона анъаналар билан етук умуминсоний кадриятлар уйгунилиги асосида янгиланиш адабиётимизнинг тўгри ва ўзини окладиган йўлидир. Макбул интилишларгина адабиётни юксалтиради ва унинг тарбиботи авлодлар маънавий комиллигига хизмат килади. Давримиз ижод ахлидан, олимлар ва мураббийлардан чукур идрок, ёркин акл-заковат, шижаот ва катта салоҳиятни талаб этаётир. Истиклол аталмиш неъматнинг

масъулияти шундай жиддий ва залворли бўлиши табиийдир.

«Мустакиллик ва ижтимоий тараккиёт». Илмий ишлар тўплами. Тошкент, «Ўзбекистон»
нашриёти, 1998 йил.